Куч — адолатда

2013 йил
29 март,
жума
№ 12-13 (422)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўлкамизда ҳукм сураётган янгиланиш ва яратувчанлик фаслида юртдошларимиз хонадонлари, маҳалласини обод қилиш орқали юртимиз файзу тароватини янада оширишга интилмоқда. Бунда ҳукуматимиз томонидан март ойининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилингани ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Айниқса, жорий — Обод турмуш йилида мазкур тадбирнинг кўлами янада кенгайиб, юртимизнинг шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва овулларида ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилаётир.

Ўтган ҳафтада ойлик доирасида мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари ҳам ўтказилди. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад жамиятимизда ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, юртимизда санитария ҳолатини янада яхшилашдан иборат. Мазкур тадбир юртимизнинг барча ҳудудларида — қишлоқ, овул, шаҳар ва маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, таълим масканларида уюшқоқлик билан ташкил этилди.

ОБОДЛИКДАН ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН МАНЗИЛЛАР

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқарувидан олинган маълумотга кўра, умумхалқ хайрия ҳашарида ўн етти ярим миллиондан зиёд юртдошимиз иштирок этган. Ҳашар кунлари қирқ уч минг олти юз гектар майдон ободонлаштирилган. Йигирма олти минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар, лотоклар тозаланган, минглаб зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилган.

Ҳашарчилар ўзлари яшаётган ҳудудларни обод этиш билан бирга яшил майдонлар ҳудудини кенгайтириш, янги боғлар, гулзорлар барпо этишга ўз ҳиссаларини қўшди. Турар-жой мавзелари, ҳовлилар, далалар, сув бўйлари, томорқалар ва бўш жойларга 25 миллион тупдан зиёд манзарали, мевали дарахт ва тут кўчатлари, 16,5 миллион туп гул кўчатлари экилди.

Бу каби хайрли ишлар ҳашардан кейин ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бош бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилда туман ва шаҳарларимиз марказлари, аҳоли турар-жойлари, маҳаллалар, кўчалар чети ва хиёбонларда 131,5 миллион донадан зиёд дарахт кўчатларини экиш мўлжалланган. Ҳозирга қадар 129 миллион тупдан зиёд кўчат ва қаламчалар ўтқазилди. Айниқса, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида бу ишлар анча самарали ташкил этилмоқда.

Тажрибали боғбонлар ва мутахассислардан иборат тўққиз мингга яқин гуруҳ бу борада аҳолига яқиндан кўмак бермоқда. Ишни сифатли ташкил этиш учун тўрт минг транспорт воситаси жалб этилган, ҳозирга қадар жойларга 6 минг тоннадан зиёд маҳаллий ва минерал ўғитлар етказиб берилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 28 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган ва бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган иккита Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Чунончи, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги таҳрирда) кўриб чиқиш вақтида қонун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш тизимида маҳалланинг вазифаларини кенгайтиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Қонун билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга оширишдаги, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган ёшлар никоҳдан ўтаётганида ҳамда тўй тантаналарини ўтказаётганида уларга моддий ёрдам кўрсатиш, боласи икки ёшга етмаган, ишламаётган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш каби ваколатлари анча кенгайтирилди.

Фуқаролар йиғинларининг кенгашларига аҳолини, шу жумладан, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёлғиз қолган кекса фуқароларни, пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларга ишга жойлашишда кўмаклашиш масалаларида қўшимча ваколатлар берилмоқда. Сенаторлар ушбу қонунни маъқулладилар.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Бурч, мажбурият ва масъулият

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида солиқ тизимини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, унинг ошкоралигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Албатта, бундай изчил ишлар самарадорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан аҳолининг солиқ тўлаш маданиятига ҳам боғлиқ.

Пойтахтимизда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз борди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан ташкил этилди. Унда Олий суд, Бош прокуратура, Адвокатлар палатаси масъул ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Ш.Раҳмонов ва бошқалар мамлакатимизда жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилаётганини таъкидлади. Шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш кенгайтирилди. Жумладан, Жиноят кодексининг 11 та моддаси санкциясида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Қонун ижодкорлиги самарадорлиги янада ортади

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, бу янгиланишларнинг асосий мазмун-моҳияти ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши тамойилини изчил рўёбга чиқариш, улар ўртасидаги ўзаро мувозанатнинг самарали тизимини яратиш, олий қонун чиқарувчи орган ҳисобланган парламентнинг ўрни ва роли, ваколатларини янада кенгайтириш каби вазифалардан иборатдир. Шундан келиб чиқиб, профессионал асосда фаолият кўрсатувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш ҳам демократик ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

2003 йилда **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"**ги Конституциявий қонун, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди. 2007 йилда **"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши эса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги мавжуд сиёсий партиялар фракцияларининг фаолиятини янада кучайтириш, улар ўртасидаги ўзаро соғлом рақобат муҳитини янги босқичга кўтариш, пировардида, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини оширишда муҳим омил бўлди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида шартномавий муносабатлар муҳим ўрин тутмоқда. Шу боис ушбу соҳани тартибга солиш ва ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Qonun ko`magi

Фермерлик ривожи

қишлоқ тараққиётини таъминламоқда

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 23 августдаги қарори билан хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлаш борасида адлия идоралари зиммасига алоҳида масъулият юкланди.

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, пахта, бошоқли дон харид қилиш, пилла хомашёси ҳамда нефть маҳсулотлари етказиб бериш, механизация ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузишда манфаатдор томонларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Bag`rikenglik tamoyillari

Ярашувда ҳикмат кўп

Мустақиллик йилларида халқимизга хос қадриятларнинг қонунчилигимизга чуқур сингдирилгани амалда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Масалан, юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида ярашув институтининг амалга жорий этилиши жабрланувчининг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, айбдорга хатосини тузатиш учун имкон бериш, судланганлик ҳолатини камайтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, Нормурод Умаров (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўзгага енгил шикаст етказганлиги учун суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилганди. Албатта, бу жазодан Нормурод ўзига тегишли хулоса чиқариб олиши керак эди.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Бурч, мажбурият ва масъулият

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу борада ягона амалиётни яратиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида Олий суд томонидан тегишли тавсиялар берилмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг соҳага оид талабларини тўғри қўллашга қаратилган Олий суд Пленумининг юзга яқин қарори қабул қилиниб, амалиётда самарали қўлланилмоқда. Бундан ташқари судларда солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш бўйича кўрилган жиноят ишлари юзасидан таҳлилий умумлаштириш ўтказиб келинмоқда.

Тадбирда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонун нормаларининг судлар томонидан қўлланиш самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни самарали таъминлаш юзасидан фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Qonun ko`magi

Фермерлик ривожи

қишлоқ тараққиётини таъминламоқда



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, шартномавий муносабатларга оид фуқароларнинг 30 та мурожаати ва 3 та ариза ҳам қонуний муддатларда ўрганиб чиқилиб, ҳал этилди.

Мазкур мурожаатларга асосан тегишли идораларга тақдимномалар киритилиб, уч нафар шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилди. Мурожаатларни кўриб чиқишда унда кўрсатилган важларга холисона баҳо берилиб, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Навоий шаҳрида яшовчи А.Рўзиеванинг "Восход" боғдорчилик жамияти мутасаддиларининг хатти-ҳаракати юзасидан қилган мурожаатини ўрганиш давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолати бўйича маъмурий таклиф киритилди ҳамда жамият раҳбари В.Жумаевага нисбатан маъмурий жарима жазоси қўлланилди.

Шунингдек, адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га шартномавий муносабатларга оид 40 та мурожаат келиб тушган бўлиб, мазкур мурожаатларни ўрганиш натижалари бўйича киритилган тақдимномаларга асосан фермер хўжаликларига жами 33,2 миллион сўм маблағ қайтарилиши таъминланди.

Судларга 63,7 миллион сўмлик даъво аризалари киритилиб, уларнинг аксрияти қаноатлантирилди. Мисол учун Қизилтепа тумани "Соҳибназар" фермер хўжалиги раҳбари Ф.Соҳибовнинг "Қизилтепапахтатозалаш" очиқ акциядорлик жамияти томонидан топширилган пахта хомашёси учун 10 фоизлик қиймати ҳисобидан тўланмай қолган 6 миллион 399 минг сўм асосий қарзни ундириб беришни сўраб қилган мурожаати юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Даъво аризаси суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилиб, фермер хўжалигига ушбу қарздорлик ва кечиктирилган кунлар учун пеня ундириш белгиланди.

Шунингдек, Нурота туманидаги "Устохўжа" фермер хўжалиги раҳбари Х.Болтаевнинг мурожаатини ўрганиш давомида очиқ акциядорлик тижорат банки "Агробанк"нинг Нурота тумани филиали томонидан қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланиб, уни бартараф этиш юзасидан банк филиалига тақдимнома киритилди. Натижада банк ходими Д.Супоновага "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди.

Ўтган йил мобайнида хўжалик судларига шартномавий муносабатларга оид 400 дан зиёд даъво аризалари киритилди. Мазкур даъво аризаларининг 378 таси судлар томонидан кўрилиб, суд қарорларига асосан жами 2,5 миллиард сўмдан ортиқ асосий қарз ҳамда 211,5 миллион сўм пеня ва жарималар ундирилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон ва фермерлар ҳуқуқ ва манфаатлари адлия идоралари томонидан изчил таъминлаб келинаётгани уларнинг янада равнақ топишида зарур қонуний кўмак бўлмоқда. Бу ҳол пировардида аграр сектор ривожига ва аҳоли фаровонлигига, қишлоқларимизнинг тараққиётига хизмат қилмоқда.

Салимжон АБДУРАСУЛОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Сенаторлар "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги таҳрирда) муҳокама қилар эканлар, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини янада такомиллаштиришга қаратилганлигини, бу тизим катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда аҳолининг ҳурмати ва ишончини қозонган муносиб фуқаролар раислар ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланишини, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада демократлаштиришнинг очиқлигини таъминлашини таъкидладилар.

Шунингдек, қонун билан фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар белгиланмоқда, жорий этилаётган тартибга кўра, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ўз чиқишларида келгусидаги фаолиятлари дастурини эълон қилишлари керак.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишдаги ваколатлари кенгайтирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши сайлов ўтказишнинг аниқ муддатларини ҳамда тайёргарлик тадбирларининг тартибини белгилайди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги таҳрирда) кўриб чиқдилар. Муҳокамада сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонун йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик асослари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мустаҳкамлашнинг, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, шунингдек, атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Қонуннинг янги таҳририда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари, давлат бошқаруви, бу ишни ташкил этишда жамоатчиликнинг иштироки масалалари аниқ тартибга солинган. Йўлларнинг ҳолатига, фаолияти транспорт воситаларини ишлатиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларга, уларнинг ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текширишга қўйиладиган талаблар жиддий ўзгартирилмоқда, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонуннинг асосий мақсади Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги жараёнини амалга оширишнинг мавжуд тартибини янада такомиллаштиришдан, қонун лойиҳаларини парламент қуйи палатасида кўриб чиқишда сиёсий партияларнинг фракциялари ва депутатлар гуруҳлари иштирок этишининг процессуал механизмини такомиллаштиришдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ушбу қонунни муҳокама қилиш вақтида кўрсатиб ўтилганидек, қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, депутатларнинг профессионал фаоллигини ҳам, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдаги, уларни муҳокама қилиш ва такомиллаштиришдаги ролини ҳам оширади. Бу эса қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатига, қонун ижодкорлиги жараёнини янада демократлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Сенаторларнинг фикрича, таклиф қилинаётган нормалар сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) палата томонидан қабул қилинаётган қарорларга қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг ҳамма босқичларида таъсир кўрсатиш имкониятларини оширишга, ўз сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатларига ва сайловчиларининг манфаатларига асосланиб, қонун лойиҳаси бўйича ўз нуқтаи назарларини ҳар томонлама ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин парламент юқори палатасининг аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво, Жиноят, Меҳнат, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Божхона, Оила кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Табиий монополиялар тўғрисида"ги, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги, "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокама вақтида сенаторлар таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни кучайтиришга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга ёрдам беришини таъкидладилар.

Сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани (Сеул, 2012 йил сентябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам муҳокама қилиб, маъқулладилар.

Сенат аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида"ги масалани кўриб чиққач, конституциявий ваколатларига мувофиқ бир қатор муассасалар, вазирликлар ва идораларнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ва ҳисоботини тингладилар.

Чунончи, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, тасдиқладилар. Қайд этилганидек, омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоат назоратини кучайтириш чораларини амалга оширишга, қонун ҳужжатларини, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш механизмларини такомиллаштиришга ёрдам беришга қаратилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Ҳисобот йилида омбудсман томонидан 20 дан ортиқ қонун лойиҳаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчиликка, халқаро стандартларга мослиги жиҳатидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Мамлакат минтақаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини ҳамда шарт-шароитларини таъминлаш устидан мониторинг амалга оширилди.

Фуқароларнинг мурожаатларини электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Омбудсман ва унинг ходимларининг шахсий қабулида фуқароларнинг 1391 та мурожаати кўриб чиқилган.

Муҳокамада сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсияларни баён этдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти Давлат раҳбари томонидан 2012 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди.

"Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Ҳисоб палатаси томонидан ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудитдан ўтказилиб, баҳоланди, 2013 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси экспертиза қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шакллантирилишини ва ижро этилишини назорат қилиш, бюджет маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланилишини текшириш асосида вазирликлар ва идоралар фаолиятида аниқланган камчиликлар ҳамда йўл қўйилган қонунбузарликлар бартараф этилди.

Олий Мажлис Сенатининг тавсияларига мувофиқ ҳисобот даври мобайнида Ҳисоб палатаси томонидан Бухоро ва Хоразм вилоятларида инфратузилмани, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантиришга, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишига, шунингдек, қўшимча иш жойлари ташкил этишга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича иш олиб борилди.

Сенаторлар Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини кучайтириш ва самарадорлигини оширишга, молиявий ҳуқуқбузарликларни қисқартириш ҳамда келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни кўришга қаратилган ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг биринчи куни ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Burch va majburiyat

Ҳалоллик

Мамлакатимизда ҳар қандай шаклдаги мулк дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Чунончи, Асосий қонунимиз ва бошқа қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида мулкий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланган.

Шунингдек, жиноят қонунчилигида ҳам фуқаролар мулки, давлат ва жамият бойликларини турли тажовузлардан муҳофаза қилишни кўзда тутувчи алоҳида боб, модда ва бандлар мавжуд. Жиноят учун жазо муқаррарлигига асосланган бу сингари қонуний таъсир чоралари амалда ўзини тўла оқламоқда.

Жиноий жазоларнинг, айниқса, иқтисодий жиноятларнинг либераллаштирилгани нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, айни чоғда давлат ва жамият манфаатларини тўлиқ ҳимоялаш имконини бермоқда. Бунда **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, ушбу қонунга мувофиқ, Жиноят кодексининг 60 га яқин моддаси жазоларни енгиллатишга доир нормалар билан тўлдирилди. Бунда иқтисодий жиноят содир этган ва етказилган зарарни қоплаган айбланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланади. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси етказилган иқтисодий зарар қопланмаган тақдирдагина белгиланади.

Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, Урганч шаҳридаги "Топаз" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Олланазар Ҳайитов ва Хоразм вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясида лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими етакчи мутахассиси лавозимида ишлаган Бекберган Раҳматуллаев ўзаро тил бириктириб, Урганч туманидаги 19-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш ишлари чоғида 43,7 миллион сўмлик маблағини қўшиб ёзиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади. Бу жиноят тезда фош бўлиб, ҳар иккала нафс бандаси қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Гарчанд, судланувчилар айбига тўлиқ иқрор бўлса-да, зарар тўлиқ қопланмади. Суд ҳар икки судланувчини Жиноят кодексининг 167 ва 209-моддаларига мувофиқ 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилди. Шунингдек, уларга нисбатан мазкур кодекснинг муайян муддатга моддий ва мансабдорлик билан боғлиқ бўлган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилувчи 45-моддаси ҳам қўлланилди.

Qonun ijodkorligi

Қонун ижодкорлиги самарадорлиги янада ортади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазкур йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур Концепцияда эътироф этилганидек, биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Дарҳақиқат, мазкур Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Бош вазир номзодини кўрсатиш, унга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш каби мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган масалаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг, парламент қуйи палатасида уларнинг вакиллигини ифодаловчи фракцияларнинг роли ва масъулияти қонуний йўл билан кучайтирилгани давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш йўлида амалга оширилаётган изчил ишларнинг мантиқий давомидир.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Дунё миқёсида юз бераётган воқеликлар, мамлакатимизда барча соҳаларда кечаётган янгиланиш ва ўзгаришлар парламент фаолиятини ҳам янада ривожлантириш, Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш фаолиятини мустаҳкамлаш, қонунчилик жараёни босқичларида сиёсий партиялар фракцияларининг ролини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қуйи палата томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилган эди. Куни кеча бўлиб ўтган Сенатнинг ялпи мажлисида мазкур қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.



Ушбу қонуннинг асосий мақсади Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун қабул қилиб олишнинг мавжуд тартибини янада такомиллаштириш, уларни муҳокама қилишнинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари иштирокининг процессуал механизмини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйишдан иборатдир.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳузурида киритиладиган қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг кўриб чиқилишини ташкил этувчи, келиб тушган лойиҳаларни рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) амалга ошириш ва кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб бориши лозим бўлган Қонунчилик палатаси девони ходимларидан иборат Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузиш назарда тутилган.

Шунингдек, Қонунчилик палатасига келиб тушган лойиҳаларни тақсимлашнинг янада демократик, ошкора механизмини жорий этиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, қонун лойиҳасининг олдиндан кўриб чиқилиши учун масъул қўмитани Қонунчилик палатасининг Кенгаши ўз мажлисида бамаслаҳат белгилайди.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолиятида ўз ваколатларини янада самарали рўёбга чиқаришлари учун сиёсий партиялар фракцияларига янада кенг имкониятлар берилмоқда. Яъни қонун лойиҳаси масъул қўмита билан бир қаторда, айни ўша муддатларда фракцияларга ҳам юборилади. Бу билан фракцияларга қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни масъул қўмита билан бир вақтда кўриб чиқишга киришиш ҳуқуқи берилади. Бу ўринда масъул қўмита фракцияларнинг фикр ва таклифларисиз қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Яна шундай тартиб ўрнатилмоқдаки, унга асосан, Қонунчилик палатаси мажлисларида қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида маърузачи биринчи ва кейинги ўқишларда фракцияларнинг фикр ва таклифларини депутатлар эътиборига ҳавола этиши шарт. Бунда сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳасига оид таклиф ва мулоҳазалари инобатга олиниши лозим. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, жумладан, Давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ҳам худди шундай тартиб ўрнатилади.

Мазкур қонун амалиётга жорий этилса, келгусида сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки янгича мазмун-моҳият касб этади. Ўз навбатида, уларнинг қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида қуйи палата томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш имконияти кучаяди. Натижада ўз сиёсий партияларининг дастурий мақсади ва электоратлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонунлар лойиҳалари юзасидан ўз нуқтаи назарлари ҳамда партиявий позицияларини қатъий ҳимоя қилиш ҳуқуқлари кенгаяди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун келгусида қонун ижодкорлиги ва қонунлар лойиҳалари устида иш олиб бориш фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш баробарида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Bag`rikenglik tamoyillari

Ярашувда ҳикмат кўп

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Аммо...

Гапнинг сирасини айтганда, Нормурод маъмурий жазо олгандан сўнг орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, уйда хотини Дилдора билан гап талашиб қолади. Дилдора ҳам бир гапдан қолай демайди. Бунинг устига ўша куни меҳмонга келган қайнонаси ҳам эр-хотинни муросага келтириш ўрнига қизининг ёнини олади.

Бундан баттар жаҳлга берилган Нормурод хотинига қўл кўтаради ва оқибатда унга тан жароҳати етказади.

Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, оила жамият барқарорлиги, тинчлик-осойишталигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Шу боис ҳам истиқлол йилларида амалдаги қонунчилигимизга оила тинчлиги, барқарорлигини таъминлайдиган муҳим меъёрлар киритилди. Жумладан, Жиноят кодексининг 66[1]-моддасида мазкур моддада назарда тутилган жиноятларни содир этган, айбига иқрор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ва иш бўйича етказилган зарарни бартараф этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши қайд этилган. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи Жиноят кодексининг 66[1]-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши кўрсатилган.

Энди Нормурод Умаров қилмишига қайтадиган бўлсак, у турмуш ўртоғи Д.Умаровага енгил тан жароҳати етказганлиги суд-тиббий экспертизасининг хулосасида кўрсатилган. Дастлабки тергов идораси томонидан Н.Умаров Жиноят кодексининг 109-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилган.

Суд муҳокамасида Н.Умаров ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдирди. У қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўраганини, жабрланувчи унинг узрини қабул қилганини, ҳозирги кунда жабрланувчининг даъвоси йўқлигини баён этиб, кўрсатма берди.

Жабрланувчи Д.Умарова ҳам судга ариза билан мурожаат қилди. Суд муҳокамаси чоғида аризасини қувватлаб, турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб қолишгани, кейин кечирим сўраб ихтиёрий ярашишгани, айбланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, ҳозирда аҳил-иноқ яшаётганини баён этиб, Н. Умаровни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд Н.Умаровга оид жиноят ишини Жиноят кодексининг 66[1]-моддаси асосида тугатиш учун монеълик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас, деган тўхтамга келди. Ярашганлик тўғрисидаги суд мажлиси баённомасини тасдиқлади ва Н.Умаровни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини Жиноят кодекси 66[1]-моддасига асосан иш юритувидан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Айтиш жоизки, халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик сингари фазилатларни ўзида мужассам этган ярашув институти Н. Умаров сингари билиб-билмай жиноий қилмишга қўл урган юртдошларимизнинг ўз хатосидан тўғри хулоса чиқариб олишига, жамиятда қайтадан ўз ўрнини топиб олишига имкон бермоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устувор қадрият эканининг ёрқин далолати, амалий ифодасидир.

Акмал БОЙМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Оқ-олтин тумани судининг раиси

Fuqarolik qonunchiligi

Қонунга риоя қилган адашмайди

Кейинги йилларда нафақат юридик шахслар, балки жисмоний шахслар ўртасида ҳам иқтисодий муносабатлар ривожланаётгани кузатилмоқда. Улар ўртасида тузилаётган турли мазмундаги шартномалар бунинг яққол далилидир.

Айтиш керакки, амалда шундай шартномалар ҳам мавжудки, бунда фуқаро ёки юридик шахслар бир-бирига молиявий ёрдам тариқасида қарз бериши акс этади. Бу, албатта, қарз шартномаси, деб аталади.

Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси ўзининг хусусиятларига кўра, бир томонлама, реал ва текинга ёки ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади. Шартнома асосида фақатгина қарз берувчида ҳуқуқнинг мавжуд бўлиши бу шартноманинг бир томонлама эканлигини англатади. Яъни шартномага мувофиқ қарз берувчида ҳуқуқ, қарз олувчида мажбурият юзага келади.

Шу ўринда қарз шартномасининг шакли ва расмийлаштириш тартибига тўхталадиган бўлсак, Фуқаролик кодексининг 733-моддасига кўра, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн баравaридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт. Тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, суммасидан қатъи назар, шартнома ёзма шаклда тузилиши шарт.

Қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя этиш тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Мисол учун Навоий вилояти адлия бошқармаси фуқаро А.Саидовнинг манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Чунки адлия бошқармасига А.Саидов мурожаат қилиб, Ф.Эргашев ундан 2011 йил 28 январгача қайтариш шарти билан 30 миллион сўм қарз олганини, аммо ушбу қарзни ўз вақтида қайтармаганлигини билдириб, ушбу масалада амалий ёрдам беришни сўраган.

Дарҳақиқат, А.Саидов 2010 йил 28 июлда нотариал тасдиқланган қарз шартномасига асосан Ф.Эргашевга қарз берган. Аммо қарз шартномаси жавобгар томонидан бузилиб, судга мурожаат қилгунга қадар олган қарзини қайтармай келган. Шу боисдан адлия бошқармаси жавобгардан даъвогар фойдасига 30 миллион сўм асосий қарз ва 500 минг сўм маънавий зарар ундиришни сўраб судга мурожаат қилган. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъво аризаси қисман қаноатлантирилди.

Бундай мисолларни суд амалиётидан яна келтириш мумкин. Аммо баён этилган фуқаролик ишининг ўзи ҳам қарз муносабатлари борасида қонунчиликка риоя этишнинг аҳамияти, қарз олди-бердисида бурч ва мажбуриятларни адо этмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида етарли тасаввур беради. Бинобарин, ҳар биримиз қонунни яхши билсак, хусусан, қарз муносабатларида қоидаларга тўлиқ риоя этсак, ҳам кўзланган мақсадимиз амалга ошади, ҳам турли оворагарчиликларга ўрин қолмайди.

Н.РАҲМОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг судьяси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Менинг вояга етмаган ўгай фарзандларим бор. Агарда турмуш ўртоғим билан ажрашсам, ўгай фарзандларим учун ҳам алимент тўлайманми?

Н.ИНОҒОМОВ,
Янги йўл тумани

— Оила кодексининг 127-моддасига асосан, ўгай ота (она)нинг тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўгай ўғил (қиз) нинг ота-онаси йўқ ёхуд ўз ота-онасидан етарли маблағ ололмаётган бўлса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ота (она) зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ўгай ўғил (қиз)нинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун етарли маблағ ололмаса, ўгай ота ва ўгай онанинг зиммасига уларга нисбатан ҳам шундай мажбурият юклатилиши мумкин.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

умр зийнати

қинғир ишлар кишини юзшувут қилади

Иш апелляция тартибида кўрилгунга қадар ўтган вақт мобайнида эса, етказилган 43,7 миллион сўмлик моддий зарар тўлиқ қопланди. Вилоят судининг апелляция инстанцияси буни инобатга олди. Ҳар икки маҳкумга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг муайян қисмини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди. Судланувчилар суд залидан озодликка чиқарилди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми билан айбланган бухоролик Ориф Тўраев урганчлик Алишер Хўжаевга етказган 20 миллион сўмлик зарарни, ушбу кодекснинг 139, 167, 189-моддалари турли бандлари билан жавобгарликка тортилган урганчлик Феруза Аминова, Ғуломжон Саидовлар "Микрокредитбанк"нинг Хоразм вилояти филиалига етказилган 18 миллион сўмлик зарарни қоплагани, мазкур кодекснинг 167 ва 209-моддалари тегишли бандлари бўйича айбдор, деб топилган питнаклик Даврон Қурбонниёзов, гурланлик Расулбек Исмоилов, янгиариқлик Акмал Рўзибоевлар Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Урганч шаҳар шаҳобчаси ҳамда бир гуруҳ фуқароларга тегишли жами 37,1 миллион сўмлик пул ва бошқа моддий бойликларни суд жараёнида тўлиқ қоплагани боис озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди. Бунда фуқаровий даъвогарларнинг айбланувчиларни кечириш тўғрисидаги аризаси ҳам инобатга олинди.

Хулоса қилиб айтганда, айбланувчиларни жазодан озод қилиш ёхуд жазони енгилроқ жазо турлари билан алмаштириш амалиёти мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг ёрқин жиҳатидир. Бу халқимизга хос бўлган бағрикенглик, инсонпарварлик тамойилларига хос бўлиб, амалда фуқароларимиз манфаатига, жамият барқарорлигига хизмат қилмоқда.

Қодирберган ЯХШИМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди раисининг ўринбосари
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Jinoyat va jazo

Божхона назорати: иқтисодий хавфсизлик гарови

Ютимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида демократияга асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқароларнинг манфаатлари, уларнинг эркинлигини таъминлашга қаратилган мақсад мужассам.

Божхона хизматининг йўлга қўйилгани мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминламоқда.

Бу ўз навбатида, аҳоли эҳтиёжларини турли сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш билан бир қаторда тадбиркорларнинг ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

2013-yil — «Obod turmush yili»

Ободликдан чирой очаётган манзиллар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Обод турмуш йили Давлат дастури доирасида ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги тадбирлари Оролбўйида ҳам уюшқоқлик билан давом этмоқда. Минтақада тупроқ ва иқлим шароитига мос мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатларини етиштириш, бошқа ҳудудлардан келтирилган ўсимлик навларини иқлимлаштириш борасида олиб борилаётган илмий-амалий ишлар яхши самара бермоқда.

Андижонда ҳам бу борада салмоқли ишлар қилинди. Ойлик доирасида ўтказилаётган "Обод вилоятим" ёшлар акциясида 25 мингдан зиёд ёшлар иштирок этмоқда. Улар томонидан вилоятдаги зиёратгоҳлар, таълим муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, қабристонлар, ариқлар, болалар майдончалари тартибга келтирилиб, маиший чиқиндилар белгиланган жойларга чиқарилмоқда. Ҳозирга қадар 10 минг тупдан зиёд дарахт оқланиб, шакл берилди, 7,5 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт, 20 минг тупдан зиёд гул кўчатлари экилди.

Мазкур ободонлаштириш тадбирлари давомида Андижон шаҳрида 4 гектардан зиёд майдонни эгаллаган "Камолот" ёшлар боғини барпо этиш ишлари ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Унда шаҳардаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг минг нафарга яқин ёшлари фаол қатнашмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига 22 туп кўчат экиш ташаббуси Андижон давлат университетида кўтаринкилик билан кутиб олинди. Мазкур тадбир доирасида шу кунга қадар белгиланган кўчалар ва боғларга 1,5 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Самарқанд вилоятида ҳам кўкаламзорлаштириш, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экиш, янги боғ ва гулзорлар яратиш юзасидан кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Ҳар бир ташкилот, муассаса, ўқув даргоҳи ҳовлилари ва ёнатрофлари кўкаламзорлаштирилаётир.

— Бу йил экилаётган дарахт ва гул кўчатларининг асосий қисми вилоятимиздаги ўрмон хўжаликлари, Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг Самарқанд филиали ҳамда кўчат етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан тайёрланди, — дейди Самарқанд вилояти марказий ўрмон хўжалиги бош ўрмончиси Нажмиддин Нарзиев. — Ушбу кўчатларни аҳоли ва фермер хўжаликларига, корхона-ташкилотларга ўз вақтида ва сифатли ҳолатда етказиб бериш мақсадида 150 дан зиёд кўчма дўкон ташкил этилди. Шунингдек, жойлардаги деҳқон бозорлари, аҳоли гавжум масканлар ҳамда серқатнов катта йўл атрофларида 38 та махсус савдо ярмаркаси фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 25 турдаги дарахт кўчатлари сотилмоқда. Шу пайтгача ушбу шохобчалар ва бевосита хўжаликларнинг ўзидан 500 мингдан зиёд мевали, уч миллион тупдан зиёд манзарали дарахт ва бута кўчатлари сотиб олиниб, ҳудудларга экилди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ёшлар фаоллигига эришиш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан "Ҳашар — ёшларга ярашар" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари вилоятдаги боқувчисини йўқотган оилалар, кекса ва ногиронларнинг ҳовлиларини тартибга келтириш, томорқаларида сабзавот экинлари экиш ишларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Таълим муассасаларида эса "Эккан ниҳолим билан бирга улғаяман" шиори остида ёшлар ҳаракатлари ташкил этилиб, ҳар бир дарахт кўчати парвариши эътиборга олинди.

Вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини намунали ташкил этиш ва бу борада ибратли ишларни амалга оширган маҳалла, муассаса ва ташкилотларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган "Ҳудуди обод таълим муассасаси", "Энг чиройли гулзор", "Обод маҳалла", "Кўркам боғ" каби танловлар давом этмоқда.

Юртимиз бўйлаб нафақат кўкаламзорлаштириш, балки янги замонавий уй-жойлар қуриш ишлари ҳам давом этмоқда. Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Эркин" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қуёшли маҳалласида бунёд этилган гўзал ва шинам уй-жойлар кўпчиликда ҳавас уйғотмоқда. Уйлар атрофини ободонлаштириш мақсадида мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда анвойи гуллар экилаётгани қишлоқ кўркига-кўрк қўшаётир.

Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган мазкур уйларда барча шарт-шароит яратилган. Табиий газ, электр энергияси, иссиқлик ва ичимлик суви таъминоти, уйларга элтувчи йўл ва кўчаларга ҳавас қилса, арзийди.

Зангиота тумани ҳокимлигидан маълум қилишларича, Ўзгариш, Қатортол, Гулистон, Қизғалдоқ қишлоқларида намунавий лойиҳа бўйича бунёд этилган уч юзга яқин уй-жой ўз эгаларига топширилган. Жорий йилда "Ўртаовул", "Эркин" ва бошқа қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли мавзеларда барпо этилаётган уйлар қурилиши ҳам ниҳоясига етказилади.

Айни вақтда "Ўртаовул" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Каттатепа маҳалласида намунавий лойиҳа асосида 179 та уй бунёд этилмоқда. Бу ерда айни пайтда мўъжаз стадион, болалар майдончаси, профилактика инспектори ва маҳалла посбонлари хоналарини ўз ичига оладиган гузар, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона ҳам қад ростлаётир.



Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган **"Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Жойларда замонавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган якка тартибдаги уй-жойлар қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

— Янги уйлар қурилаётган ҳудудларимизда бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилади, — дейди "Каттатепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсун Тешаев. — Натижада йигирма нафарга яқин ёшлар доимий иш билан таъминланади. Маҳалламизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишлар одамларимизда обод ва янгича турмуш кечириш маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини намунали лойиҳалар асосида қуришга берилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

Самарқанд шаҳридан чиқиб, Оқдарё туманига кириб борар экансиз, Зарафшон дарёси ёқасида бунёд этилган кўркам уй-жойлар эътиборингизни тортади. Негаки, бу уйлар мукаммал лойиҳа асосида, ҳар томонлама замонавий қилиб қурилган. Кенг ва равон кўчалар, улар атрофидаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, болалар спорт майдончалари, ҳатто йўл четидаги яшил майсазору янги экилган дарахт кўчатлари ҳам бир-бирига уйғун, бир-бирини тўлдиради.

Бу маскан — кейинги йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари бунёд этилган Пўлатдархон маҳалласи.

— Маҳалламизнинг ушбу ҳудудида замонавий уй-жойлар билан бирга таълим ва тиббиёт муассасалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, болалар спорт майдончалари бунёд этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Пўлатдархон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Содиқ Абдиев. — Жумладан, янги қурилган 140 ўринли 25-умумтаълим мактабида бугунги кунда маҳалладошларимиз фарзандлари таълим-тарбия олмоқда. Компьютер синфи, фан лабораториялари, очиқ спорт майдонлари мавжуд муассаса келгусида кенгайиб, қўшимча ўқув биноси ва спорт зали қурилиши режалаштирилган.

Қишлоқларимизда бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин кенгайиб, халқимиз турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораётгани барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларига қаратилганининг амалий ифодасидир.

Бундай хайрли ишлар ёшларни ташаббускорликка, фаолликка, юртимиз ободлигини таъминлашга ундаш билан бирга, улар қалбида она табиатга, Ватанга муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлайди. Шу кунларда уюшқоқлик билан амалга оширилаётган Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги биринчи навбатда мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз саломатлиги янада яхшиланишига, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА





Jinoyat va jazo

Божхона назорати:

иқтисодий хавфсизлик гарови

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Бу имкониятлардан фойдаланиб изчиллик билан ривожланаётган тадбиркорлик субъектлари юртимизда жуда кўпчиликни ташкил этади. Лекин, афсуски, айрим кимсалар ноқонуний равишда айланма йўллар, шунингдек, сохта ҳужжатлар билан божхона хизмати ходимларини чалғитишга уринишади. Хусусан, Жасур Эгамбердиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) қўшни Республика фуқароси Камалжан Юнусовга тегишли бўлган "OPEL VECTRA-201" русумли Германия давлатида ишлаб чиқарилган транспорт воситасини сотиб олган. У мазкур транспорт воситасини божхона назоратини четлаб ўтиб, мамлакатимизга олиб кирган. Божхона расмийлаштирувидан ўтмаслик натижасида 36 миллион 227 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги божхона тўлови тўланмаган. Қисқаси, транспорт воситаси жиноий йўл билан ўзлаштирилган. Лекин у буни сир тутган ҳолда автомобилни Яккабоғ тумани Турон қишлоғида яшовчи фуқаро Йўлдош Боймировга тегишли ҳужжатларини ва давлат рақамини тақдим қилмай, сотиб юборади.

Шунингдек, Эшмурод Қулмуродов 2009 йил 25 ноябрь куни шахси номаълум бўлган қўшни Республика фуқаролари билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, чет элда ишлаб чиқарилган автомашинани Ўзбекистон Республикасига божхона ҳужжатларини расмийлаштирмай олиб киришга ҳаракат қилади. Белгиланган режага кўра, жиноий гуруҳ аъзоси Абубакр Таштаев исмли шахс 1991 йилда Германияда ишлаб чиқарилган "Mersedes Benz-200" русумли автомашинасини жиноий гуруҳ аъзоси Эшмурод Қулмуродовдан олган 4200 АҚШ доллари қарзи эвазига унга қолдириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний ўтказмоқчи бўлади.

Шунга кўра, жиноий гуруҳ аъзоси Анвар Махаметов исмли шахс номига мазкур автомашинани "бир ой муддат давомида бошқариш" ҳуқуқини берувчи ишончномани келгусида автомашинани Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун расмийлаштиради.

А.Махаметов қонуний ишончнома, автомашина ва унинг техник паспорти билан шу куни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига "Ғиштқўприк" божхона мажмуаси орқали ҳаракатланиб, "Бошқарувидаги автомашина билан Ўзбекистон ҳудудида бир ой муддатда бўлиш ҳақида"ги сохта маълумотни божхона пости ходимларига тақдим этади. Шундан сўнг у жиноий гуруҳ аъзоси Э.Қулмуродов билан Тошкент шаҳри халқа йўлида учрашиб, автомашина ва унинг техник паспортини, ишонч қоғозини, мажбуриятноманинг асл нусхасини қолдиради. Э.Қулмуродов автомашинани Ўзбекистон ҳудудида қўшни Республика давлат рақами билан бошқариб юролмаслигини англаб, автомашиналарни таъмирлаш устахонаси ахлатхонасида ётган давлат рақамини ўзининг эҳтиёжи учун фойдаланиш мақсадида ноқонуний эгаллаб, ўз бошқарувидаги "Mersedes Benz-200" русумли автомашинага тақиб олади.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, Э.Қулмуродовнинг жиноий кирдикорлари бир кун келиб барибир ошкор бўлди. У давлатга тўланиши лозим бўлган 54 миллион 800 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги божхона тўловларини 2010 йил 21 апрель кунига қадар қасддан тўлашдан бўйин товлаш жиноятларини содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилиб, қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар ишнинг ўз қонун-қоидаси бўлиб, унга риоя этмаслик, албатта, жавобгарликни келтириб чиқаради. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Я.ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Яккабоғ тумани судининг раиси

Garoyib olam

Ёзма манбаларда қайд этилишича, қушларнинг учишига бағишланган илк асар қадимги юнон файласуфи Аристотелга тегишлидир.

Биз билган ва билмаган дунё

ҚУШЛАРНИНГ СИРЛИ ВА СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Орадан кўп йиллар ўтгач, айнан шу мавзу, яъни қушларнинг парвози тадқиқига оид дадил қадамни уйғониш даврининг ёрқин намоёндаси Леонардо Да Винчи қўйишга муваффақ бўлган. У "Қушларнинг парвози ҳақида кодекс" номли асарини яратади. Унинг қайдларида нафақат равон парвоз учун керакли ҳаракатлар, балки ҳавога кўтарилиш ва ерга қўниш кучли шамол, бошқа табиий ҳолатларда қандай амалга оширилиши батафсил баён қилинган эди. Буюк рассомнинг муваффақияти шунда эдики, у бу ҳолатларни суръатларда аниқ тасвирлаб берган эди. Бундан ташқари у ҳаво босими ва унинг қанот атрофида ўзгариши ҳақидаги тушунчани ҳам илк марта илм аҳли эътиборига ҳавола этади. Қушларни синчков кузатган буюк мусаввир яна шуни аниқладики, парвозда асосий оғирлик думпарга тушар экан. Аммо Леонардо Да Винчининг бу тадқиқотлари жуда кам сонли ўқувчига маълум эди. Чунки бу асар XX аср ўрталарига келиб нашр этилган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 1680 йилда эълон қилинган Жованни Альфонсо Борелли қаламига мансуб "Жонзотларнинг ҳаракатлари ҳақида" асарда қушлар анатомияси механика қонунлари нуқтаи назаридан изчил ўрганилган. Унда ҳавога кўтарилиш кучининг пайдо бўлиши тўғрисидаги аниқ андоза илгари сурилган. Шунингдек Борелли қушларда парвоз йўналишини мувофиқлаштиришда думпарнинг аҳамияти ҳақидаги Аристотель қарашларини такомиллаштиради.

Қушларнинг парвози ҳақидаги шу каби тадқиқотлар одамлар ҳаётида ахийри натижа берди. Аниқроғи, XIX аср бошида Жорж Кейли учиш аппаратини қушлар парвозига муқояса тарзда яратди. Бироқ унинг ҳаракати муваффақиятсиз якун топди.

Сўнгра бундай уринишлар Отто Лилиентал томонидан бир қадар такомиллаштирилган тарзда давом эттирилди.

Бугунги кунда одам боласи томонидан тараққиётнинг юксак маҳсули сифатида турли русумдаги самолёт, вертолёт сингари учар аппаратлар яратилган. Аммо қушлар ва уларнинг ҳаётига тааллуқли ҳар хил ҳодисалар, маълумотлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Хусусан, қушлардаги тезкорлик, чаққонлик, чапдастлик ва омилкорлик сингари сифатлар ҳайрон қоларли даражада эканлигини қайд этиш лозим. Масалан, игнадумли жарқалдирғоч соатига 170 километр тезликда уча олади, сапсан деган йирик қушнинг парвоз тезлиги эса, рекорд кўрсаткич — 300 км/соат тезликка эга экан.

Айниқса, сув остига шўнғиш борасида ҳам қушларнинг олдига тушадиган жонзотлар кам топилади. Масалан, 1990 йил Антарктида қирғоғидаги Росса денгизида пингвин 483 метр чуқурликка тушганини мутахассислар қайд этишган.

Буни қарангки, табиат қушларга бемисл чидам ва матонат ҳам ато этган. Хусусан, ҳавода ҳаёт кечириш борасида қора жарқалдирғочнинг олдига наинки бирон-бир жонзот, ҳатто ўта замонавий учар аппаратлар ҳам туша олмайди. Чунки у ҳавода нақ тўрт йилгача умргузаронлик қила олади. Бу давр оралиғида у ҳам худди бошқа жонзотлар каби ухлаш, еб-ичиш ва бошқа зарур эҳтиёжларини парвозда таъмин эта олади. Шуниси қизиқки, илк бор кўкка қанот қоққан полапон ана шу тўрт йилгача бўлган давр мобайнида беш юз минг километр ёки ундан ортиқ масофани босиб ўтади. Бошқача айтганда, илк парвоздан илк қўнишгача унинг оиласида яна учтўрт авлод дунёга келади.

Олимларни жуда узоқ масофага тўхтовсиз учиш масаласи ҳам кўпдан буён қизиқтирарди. Бу борада олимлар томонидан қайд этилган бир маълумот ҳали янгиланганги йўқ. Гап шундаки, крачка деб аталадиган оддий қуш Финляндиядаги кўллардан бирининг қирғоғидаги уясини 1996 йил 15 августда тарк этиб, қарийб беш ярим ойдан сўнг, аниқроғи, 1997 йил 24 январда Австралиянинг Виктория штатига қарашли Гипсленддаги кўл атрофидаги ерга қўнган. Бу қуш бир учишда бетиним 25750 км масофани босиб ўтган.

Узоқ умр кечириш масаласида ҳам қушлар табиатнинг беназир ҳимматидан бенасиб эмас. Масалан, АҚШнинг Висконсин штатидаги Барабу кенгликларида яшаган «Вульф» лақабли оқ турна 82 йил умр кўрган. Турналарни ҳимоя қилиш халқаро жамғармаси тасарруфида бўлган «Вульф» 1988 йилнинг охирида ўз ҳудудига кирган бегона қушларни қувиб чиқараётиб, туйқусдан тумшуғини синдириб қўйган. Йўқса, у яна анча йиллар яшаши мумкин эди.

Интернет материаллари асосида Сафар Оллоёр тайёрлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси» ва «Куч — адолатда» газетаси бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририятнинг Хоразм вилояти бўйича мухбири Абдулла Собировга онаси

ПОШША аянинг

вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-316. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9051.
1 3 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 00⁰⁰